

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кучайтириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 62 920 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 123 060 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 62 920 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 123 060 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 75 510 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2011 йил 3 ноябрь.

Парламент хабарлари



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллаш ва юридик расмийлаштириш масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Конституция ва қонунларимизни такомиллаштиришга, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини таъминловчи мукамал қонунчилик тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор берилётгани эътироф этилди.

Тадбирда норматив-ҳуқуқий атамаларни амалиётда тўғри ва асосланган ҳолда ишлатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаларини киритишда юридик жиҳатдан расмийлаштиришни такомиллаштириш ва қонун ташаббускорлари томонидан бир хил қўлланишига эришишга эътибор қаратилиши масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир иштирокчилари эъти-

борни қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилашга, қонунларда тафовутларга, такрорланишларга йўл қўймасликка, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларини камайтиришга, қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларга эътиборни янада кучайтиришга, қонун ижодкорлигида бой маданий ва маънавий меросимизга, миллий урф-одат ва анъаналаримизга, замонавий ҳуқуқ илми ва амалиёти ютуқларига таяниш зарурлигига қаратдилар.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш, шунингдек Қонунчилик палатасида қонун

лоийҳаларини биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг, уларни иккинчи ва учинчи ўқишларга тайёрлаш жараёнларида норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллашда ҳамда уларни юридик расмийлаштиришда профессионал ёндашувни шакллантириш зарурлиги таъкидланди. Давра суҳбатида шунингдек, қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва уларда норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллашда иштирок этадиган ташкилотларнинг ўзаро тажриба алмашинуви ва кўмагини шакллантириш борасидаги ишларни тўғри йўлга қўйиш, амалиётчилар ва илмий назарий тажрибага эга тилшунос олимлар ва мутахассислар билан доимий ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан «Қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос жиҳатлари: ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш масалалари, муаммо ва ечимлар» мавзусида семинар ташкил этилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш соҳасидаги давлат сис-ёсатининг асосий принциплари ижросини таъминлаш борасида қатор самарали ишлар амалга ошири-лаётганлигини эътироф этдилар.

Мамлакатимизда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича жами 956,2 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланган бўлиб, уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асо-сидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунар-мандчилигини ривожлантириш каби бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари орқали яратилиши керак.

Меҳнат бозорида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида аҳоли бандлиги 2,5 фоизга ўсди, иш билан таъминланганларнинг

умумий сони деярли 11,9 млн кишига етди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари қурилишда (105,2 фоиз), уй-жой коммунал хўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш (105,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (105,0 фоиз), транспорт ва алоқа (104,4 фоиз) соҳаларида қайд этилди.

Қўмита томонидан республикамизнинг баъзи туманларида янги иш ўринлари барпо этиш борасидаги ишларнинг аҳоли ўрганилганда, уларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги, «2011 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» халқ депутатлари туман Кенгашларининг сессияларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлди. Бирок, туманларда яратилган янги иш ўринлари тўғрисида корхона ва ташкилотлар томонидан статистика органларига берилган маълумотлар билан Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини иш билан таъминлаш маркази томонидан берилган маълумотлар ўртасида фарқ мавжудлиги аниқланди.

Семинар иштирокчилари қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг истиқболли омили бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаганлигига эътибор қаратдилар.

Йиғилиш якунида Қўмита томонидан иштирокчиларнинг муҳокама этилган масалалар бўйича билдирган таклифларини инобатга олган ҳолда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

www.parliament.gov.uz
материаллари асосида тайёрланди.

УШБУ
СОҒДА

2-бет

Суд тизими: айблов хулосасини ким ўқиб эшиттиради?

\$1 = 1765,53 сўм

3-бет

Меҳнат таътили масалалари

€1 = 2474,08 сўм

5-бет

Телефон орқали саволларингизга жавоблар

£1 = 2822,38 сўм

6-бет

Суд буйруғи асослими?

¥10 = 222,95 сўм

КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ЙЎЛИДА



Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси парламенти палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотларимиз ҳақида фикр билдирар экан, давлатимиз раҳбари, хусусан, шундай деди: «...суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди».

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши бўлди, яъни судларга иқтисодий ва ҳўжалик соҳаларида содир этилган жиноятлар учун қамоқ ҳамда озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларга муқобил турадиган жазо тарихидаги жазоларни кенгроқ қўллаш имконияти берилди. Қиёсан олиб қараладиган бўлса, жиноий жазолар либераллаштирилгунга қадар, масалан, 2000 йилда – судланганларнинг деярли ярмига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган, 2010 йилда эса судланганларнинг 68,1 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

Жиноят тўғрисидаги қонунчиликни либераллаштириш, бу борадаги қонун нормаларининг ўзгартирилиши жамиятнинг барча ёшдаги гуруҳларини қамраб олди, масалан:

а) вояга етмаганларни жамиятдан ажратмаган ҳолда – уларга нисбатан жазонинг тарбиявий усулларини қўллаш имконини берди;

б) одиллик ва инсонпарварлик ғояси аёлларга ҳамда

тегишли моддаларида бунинг учун назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Жиноятларни таснифлаш қоидаларининг ўзгартирилиши ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг судлар томонидан кенгроқ тайинланишига йўл очиб берди. Шу билан бирга қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш каби жиноий жазоларни тайинлаш ҳоллари камайди: қамоққа олиш – судланганларнинг умумий сонига нисбатан 1,3 фоиздан 0,9 фоизгача; озодликдан маҳрум қилиш – 39,7 фоиздан 31 фоизгача.

Юртбошимиз ташаббуси билан ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим ютуқларидан бири бўлди. Халқаро экспертлар мазкур масалалар юзасидан қабул қилинган қонунлар умумэтироф этилган стандартларга тўлиқ мувофиқ эканлигини тасдиқлаш билан бирга, уларнинг кўпгина ривожланган давлатларнинг шу соҳадаги қонунларига

нисбатан мукамалроқ ва инсонпарвар эканлигини таъкидлашмоқда.

Суд ҳокимияти ўз мазмун-моҳиятига кўра ҳолис бўлиши, қолаверса унинг ҳолислигига бошқалар ишониши керак. Амалдаги қонунчи-

ликда суд мажлисида айблов ҳулосасини ким ўқиб эшиттириши лозимлиги аниқ белгиланмаган. Шу туфайли одатда уни судья ўқиб эшиттиради.

Президент ўз маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига кўяр экан, бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида

бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишни таклиф этади. Хусусан, биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилди. Бу эса суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципининг амал қилишини янада кучайтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, бизнинг назаримизда, бу янгилик суд жараёнида қатнашаётган прокурорнинг жавобгарлигини кучайтиради. У судланувчининг айбини исботлаш ва жиноят ишларини кўришда қонунийликни таъминлаш бўйича масъулиятини тўла-роқ ҳис этадиган бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши кўзғатишга доир ваколатини чиқариш тўғрисидаги таклифи суднинг ҳуқуқий мақомига ва табиатига тўлиқ мувофиқ келади. Қонунга мувофиқ суд жиноий таъқибни амалга оширувчи орган эмас. Суднинг энг асосий вазифаси одил судловни амалга оширишдир. Суд ҳолис ва беғараз бўлиб, у ишда қатнашувчи тарафлардан ҳеч бирининг манфаатларини ифодаламаган тақдирдагина одил бўла олади. Жиноят ишини кўзғатиш билан суд органи ўзининг ҳолислиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўяди. Давлат бошлигининг таклифини амалга ошириш бир томондан, судни унга хос бўлмаган вазифадан озод қилиб, ҳолислиги ва беғаразлигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустақамлайди.

Кучли фуқаролик жамиятига таянган ҳуқуқий давлат қуришга эришиш учун барчаниннг Конституция нормаларига мувофиқ яшаши, қонунларни ҳурмат қилиши ва уларга қатъий риоя қилиши зарурдир. Бинобарин, амалга ошириладиган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатидан жамиятда шаклланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий даражага боғлиқ. Шу туфайли мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Концепцияда асосий вазифалардан бири этиб қўйилди.

Ҳулоса қилиб айтганда, Концепцияда баён этилган ғояларни амалга ошириш мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиш мақсадларига эришиш имконини беради.


У. ТУХТАШЕВА,

Тошкент давлат юридик институти

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

кафедраси мудири,

юридик фанлар номзоди, доцент.



олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланиладиган жазо муддатининг ва турининг ўзгартирилишида ўз аксини топди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёллар ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан жазо муддати тайинланаётганда Жиноят кодексининг

УШБУ СОНДА:

УСТУВОРЛИКЛАР

– ЎзР Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони

– Парламент хабарлари

– Концепция: устувор вазифалар. Суд-ҳуқуқ ислохотлари йўлида

– Валюталар курси **1-2-бетлар**

✓ **ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ ЭЪТИБОРИГА**

– Меҳнат таътилининг меъёри борми? **3-бет**

✓ **БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**

– Навоий коэффициенти

– Имтиёзсиз компенсация

– Ишни ҳам, пенсияни ҳам сақлаб қолмоқчиман

– Бахтсиз ҳодиса

– Ер – бизники, қурилиш – сизники, объектни иккига бўламизми?

– Штатни қисқартириш: пенсионерга кафолатлар

– Ишдан бўшатишда касба уюшмасининг фикри **4-5-бетлар**

✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**

– Шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланинг

– Қонуний имтиёз **6-бет**

✓ **ИЖТМОИЙ ТАЪМИНОТ**

– Имтиёз йўқ, бироқ стажга киритилади

– Агар бола ногирон бўлса

– Онаниннг пенсияга чиқиш ёши

– Ҳомиладорлик вақти учун нафақа **7-бет**


✓ **РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР 8-бет**

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	3.11.2011	1	0,7868	1	1,0773	1	0,0256
Арманистон	3.11.2011	1	378,98	1	522,39	1	12,35
Беларусь	4.11.2011	1	8650,00	1	11820,00	1	280,00
Грузия	3.11.2011	1	1,662	1	2,2891	1	5,4167
Қозогистон	4.11.2011	1	147,91	1	203,01	1	4,80
Қирғизистон	4.11.2011	1	45,6686	1	64,6528	1	1,5251
Латвия	4.11.2011	1	0,513	1	0,702804	1	0,0166
Литва	4.11.2011	1	2,5255	1	3,4528	10	8,163
Молдова	3.11.2011	1	11,6013	1	15,9855	1	0,3794
Тожикистон	4.11.2011	1	4,7552	1	6,5535	1	0,1557
Ўзбекистон	1.11.2011	1	1765,53	1	2474,08	1	59,05
Украина	3.11.2011	100	797,93	100	1101,8615	10	2,6006
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИНГ МЕЪЁРИ БОРМИ?



1. Ходимларнинг таътилларига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрлардан ортиқча ҳақ тўлаш ва уларга доир пуллик компенсациялар, СКнинг 143-моддасида кўрсатилганларидан ташқари, солиқ солинадиган фойдани белгилаш чоғида чегирилмайдиган харажатларга киради (СК 147-моддасининг 10-банди). СКнинг 143-моддасига (7-банд) йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ундан фойдаланилмаганда шу жумладан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш киритилган.

МКнинг 134-моддасига кўра ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади. Яъни МКда асосий таътил 15 кунни ташкил этади дейилмайди, балки у камида 15 кун бўлиши кераклиги қайд этилади. МК 140-моддасининг иккинчи хатбошисига кўра, барча ҳолларда таътилларни жамлашда уларнинг умумий муддати 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Бизнинг фикримизча, 15 ва 48 кун ўртасидаги таътил СК 143-моддаси 7-бандининг «а» кичик бандига (қонун ҳужжатларига мувофиқ таътилга ҳақ тўлаш) тўғри келади. Тегишинча, фойда солиғининг солиқ солинадиган базасини ҳисоблаб чиқараётганда жамоа шартномасига кўра 15 кундан ортиқча кўшилган асосий таътил кунлари чегирилмайди деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки МК бўйича асосий таътил 15 иш кунидан кам бўлмаган, бироқ 48 иш кунидан ошмайдиган муддатни ташкил қилади.

2. Биз Зарафшон шаҳри меҳнат қилишнинг оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларига эга ҳудуд ҳисобланиши тўғрисида аниқ жавоб ололмадик. Бизнинг муружаатларимизга давлат органлари тўлиқ жавоблар бермадилар ёки ваколатлари йўқлигини рўқач қилдилар. Агар у ана шундай ҳудуд деб ҳисобланса, бунда қанча кунлик кўшимча таътилни назарда тутиш мумкин?

А.Вдовенко. Зарафшон шаҳри.



– 1. Солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга ходимларга таътил учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча тўланган ҳақ ва улар бўйича пуллик компенсациялар киради, бундан Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 143-моддасида кўрсатилганлари мустасно (СК 147-моддасининг 10-банди). СКнинг 143-моддасида (7-банд) меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

Йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ундан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган кўшимча таътилга ҳақ тўлаш ҳам киради.

СК 143-моддасининг 7-бандида кўрсатил-

1993 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» 818-ХII-сон Қонун 1-моддасининг биринчи қисми.

Шубҳасиз, таътиллар муддатининг энг кам меъёрлари ва солиқ солинадиган фойдани аниқлашда уларга доир пуллик компенсациялар миқдорини белгилаш билан боғлиқ барча саволларга қонунчиликда бир хил талқин қилинадиган жавоб бўлиши лозим. Давлат солиқ хизмати органлари билан низо юзага келиши ва салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд солиқ солиш амалиётига амал қилганингиз маъқул.

– СКнинг 141-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади, Кодексга мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

Чегириладиган харажатлар таркибида меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари назарда тутилган (СК 141-моддаси олтинчи қисмининг 2-банди). Улар орасида – қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагиларга ҳақ тўлаш назарда тутилган (СК 143-моддаси 7-бандининг «а» кичик банди):

Йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ундан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган кўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътилларга ҳақ тўлаш; 12 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган кўшимча таътилга ҳақ тўлаш.

Бунда СК 147-моддасининг 10-бандига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга ходимларга таътил учун меҳнат

ган таътилларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрлардан ортиқча ҳақ тўлаш харажатлари солиқ солинадиган фойдани белгилаш чоғида чегириладиган харажатлар ҳисобланади, чунки улар истиснони ташкил қилади.

Амалиётда солиқ органларининг ходимлари асосий таътилнинг белгиланган меъёри сифатида 15 иш кунини қабул қилдилар. Ҳолбуки **Меҳнат кодексига (бундан кейин – МК) асосий таътил меъёри белгиланмаган.** Бунда МКнинг 134-моддасига кўра ҳар йилги асосий таътил ходимларига камида 15 кун муддатга берилади. Таътил сифатида бериш мумкин бўлган иш кунларининг энг кўп миқдори 48 иш кунини ташкил қилади (МК 140-моддасининг иккинчи қисми). Шу тариқа, **15 иш кунидан кам бўлмаган, бироқ 48 иш кунидан ошмайдиган** таътилни меъёр деб ҳисоблаш мумкин. Нима учун бундай ҳолда меъёр учун 15 иш кунини эмас, балки 48 иш кунини олиб бўлмайди?

тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган ҳақ ва улар бўйича пуллик компенсациялар, бундан СКнинг 143-моддасида кўрсатилганлари мустасно, киради.

МКнинг 134-моддасига кўра, ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади. Мазкур муддат, бизнинг фикримизча, энг кам меъёр ҳисобланади. Иш берувчи МК 135-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ локал ёки шартномавий тартибда ходимларга асосий таътилларнинг мазкур чегарадан ошадиган муддатини белгилашга ҳақлидир.

Шу тариқа, **15 кун давом этадиган асосий таътилнинг меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан чегирилади, мазкур кўрсаткичдан**

ортиқчаси эса – чегирилмайди.

Бошқа таътиллар билан ҳам аҳвол шундай. Хусусан, 18 ёшга етмаган шахслар ҳамда I ва II гуруҳдаги ишловчи ногиронларга асосий узайтирилган таътилларга ҳақ тўлаш харажатлари – **30 календарь кун (МКнинг 135-моддаси)**, алоҳида тусга эга ишда, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлайдиган ходимлар учун кўшимча таътил – **камида 12 иш кунини (ВМнинг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 133-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошиси)** ва ҳ.к. **солиқ солинадиган фойдадан чегирилиши керак, мазкур муддатдан ортиқчаси чегирилмайди.**

Бунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида Солиқ кодексининг юқорида келтирилган қоидалари бошқача тарзда ҳам талқин қилинади. Хусусан, СК 147-моддасининг 10-бандини ўқишда «бундан ушбу Кодекснинг 143-моддасида кўрсатилганлари мустасно» жумласига урғу берилади ва бу СК 143-моддасининг 7-бандида назарда тутилган таътилларга ҳақ тўлаш харажатлари муддатидан қатъи назар солиқ солинадиган фойдадан тўлалигича чиқарилади деб тушунилади ва мазкур ҳолда меъёрлаштириш қўлланмайди.

Бир маънода тушуниб қўллаш учун Солиқ кодексига мазкур масала бўйича аниқлаштириш киритиш зарур.

Артём МОКШИН, «Норма» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи.



ТАҲРИРИЯТДАН

Юқоридаги фикрлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида таътилларнинг меъёрларини аниқ белгилаш масаласи ғоятда муҳим эканлигини кўрсатади. Фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базанинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатлари билан белгиланган жавобгарликка тортиш чоралари қўлланиши масаласининг ҳал этилиши ана шунга боғлиқ. Солиқ қонунчилиги меъёрларини бир хил маънода талқин қилмасдан, уни самарали амалга татбиқ этиб бўлмайди. Шу сабабли СК 143-моддаси 7-бандининг «а» кичик банди матнига ўзгартиришлар киритиш ва уларга ҳақ тўлаш харажатларини солиқ солиш мақсадида чегириладиган харажатларга киритиш учун таътилларнинг аниқ муддатларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

«Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидагилар киради:

... 7) ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ;

15 иш кунини муддатидаги йиллик асосий таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ундан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган 12 иш кунини муддатидаги кўшимча таътилга ҳақ тўлаш;...»

НАВОИЙ КОЭФФИЦИЕНТИ

Бизнинг юридик шахсимиз Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган. Биз ёрдамчи пудрат шартномаси туздик, бунда ишлар Навоий шаҳрида олиб борилади (қурилиш майдончамиз ўша ерда жойлашган), шу боис Навоий шаҳрида яшовчиларни ишга қабул қиламиз (меҳнат шартномаларига асосан). ВМнинг 1992 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори билан Навоий шаҳрилик ходимлар иш ҳақига коэффицент белгиланган. Биз Навоий шаҳрида ишга қабул қилинган ходимларимизга коэффицентни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўлашимиз ва Солиқ кодексининг 181-моддасида назарда тутилган имтиёзни қўллашимиз мумкинми? О.Сон.

– Агар меҳнат шартномасида иш жойи Навоий шаҳрида жойлашган қурилиш майдончаси эканлиги аниқ қилиб кўрсатилган ҳамда ушбу майдонга лозим тарзда иш берувчига биркирилган бўлса, ходим ушбу имтиёзни қўллаш ҳуқуқига эгадир.


Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори¹ 1-банди билан Навоий шаҳрида жойлашган барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг иш ҳақига 1,20 миқдорда ҳудудий коэффицент белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг қарори² (1992 йил 4 сентябрдаги 407-сон) билан туман коэффицентларини ҳисоблаб ёзиш учун ЭКИХнинг 4 баравари миқдорида чегараланган сумма белгиланган. Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 181-моддасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган туман коэффицентлари бўйича қўшимча тўловлар тариқасида олинган даромадларга белгиланган энг кам ставка бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинади.

¹«Навоий вилояти халқ ҳўжалиги тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ҳудудий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида».

²«Пенсиялар, стипендиялар ва бюджетдаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш чоралари тўғрисида».

Туман коэффицентлари биринчи навбатда ходимнинг муайян меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун олинган даромадига белгиланади. Бироқ «Навоий шаҳрида жойлашган барча корхоналар ходимлари» жумласи ушбу меъёрни турли маънода қўллашга олиб келади. Чунончи, амалиётда имтиёз бун-

дай ходимларга қўлланган ҳоллар бўлган, бироқ солиқчилар уни қўллашдан бош тортиган ҳоллар ҳам мавжуд, зеро юридик шахс Навоий ҳудудидида жойлашмаган эди.



Фикримизча, мазкур ҳолда ушбу имтиёз корхонага эмас, балки ўз ишини муайян ҳудудда амалга ошираётган ходимга берилаётганлиги белгиловчи жиҳат бўлиши керак.

Фикримизча, мазкур ҳолда ушбу имтиёз корхонага эмас, балки ўз ишини муайян ҳудудда амалга ошираётган ходимга берилаётганлиги белгиловчи жиҳат бўлиши керак.

ИМТИЁЗСИЗ КОМПЕНСАЦИЯ

Ходимимиз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун автотранспорт воситасидан фойдаланади. Бироқ ушбу транспорт воситаси унинг шахсий машинаси эмас, уни ишончномага асосан бошқаради. Мазкур ҳолда унга компенсация тўлаш мумкинми?

Корхона директори.

– Компенсация тўлаш мумкин.

Меҳнат кодексига (МК) мувофиқ иш берувчи ўзининг ходимларига уларнинг шахсий автотранспортдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ҳуқуқига эга. Ходим ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатларини кўзлаб фойдаланганда, иш берувчи ҳисобидан транспорт воситалари амортизацияси ва улардан фойдаланиш харажатлари, шунингдек асбоб, бошқа техник воситалар ёки ўзга мол-мулк амортизацияси қопланиши керак. Ушбу харажатларни қоплаш миқдорлари ва тартиби жамоа шартномаси, агар у тузилмаган бўлса – ходим билан иш берувчи ўртасидаги битим билан белгиланади (МКнинг 173-моддаси). Фуқаролик кодекси меъёрларига кўра, автотранспорт воситасини бошқаришга ишончнома ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Бинобарин, автотранспорт воситасини ишончнома асосида бошқарувчи ходимга корхона ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилганлиги боис компенсация тўлаши мумкин.



Мен пенсионер ва хусусий корхона мулкдориман. Пенсия 50% миқдорида тўланади. Корхона директори этиб ўғлимни тайинлаб, унга иш ҳақи тўлашни режалаштиряпман. Бу ҳолда мен тўлиқ пенсия олишим мумкинми?

ХК мулкдори.

ИШНИ ҲАМ, ПЕНСИЯНИ ҲАМ САҚЛАБ ҚОЛМОҚЧИМАН

– «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун (2003 йил 11 декабрдаги 558-И-сон) 3-моддасининг биринчи қисмига биноан мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Яъни сиз хусусий корхона мулкдори сифатида унинг директори ҳисобланасиз ва бошқа шахсни директор этиб тайинлай олмайсиз.

Қонуннинг 16-моддасида фақат хусусий корхона бошқаришни вақтинча топшириш назарда тутилади. Чунончи, вақтинча ҳозир бўлмаган тақдирда хусусий корхона мулкдори шу муддатга раҳбар мажбуриятларини бошқа жисмоний шахсга юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади.

Бироқ ҳатто бошқарув бошқа шахсга вақтинча берилганда ҳам корхона мулкдорининг тўлиқ пенсияси сақланмайди. Гап шундаки, хусусий корхона мулкдори умуман ўзига иш ҳақи тайинлашга ҳақли эмас, зеро у ҳам мулкдор, ҳам бошқарувчидир. Унинг

асосий даромади – хусусий корхона фойдаси. У ана шу фойдани оларкан, пенсияси ярмига қисқаради, чунки Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг¹ 7-бандига кўра хусусий (якка тартибда) тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳамда деҳқон хўжаликларидида ишловчи пенсионерларга, пенсиялар уларнинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 50 фоиз миқдорида тўланади (пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари).

Бироқ агар сизнинг юридик шахсингиз МЧЖга айлантирилса, сиз мулкдор бўлишингиз ва бошқа шахсни уни бошқарувчи этиб тайинлашингиз мумкин. Бу ҳолда сиз мулкдор сифатида дивиденд оласиз, у эса, Солиқ кодексига кўра, меҳнат ҳақи тарзидаги даромадларга кирмайди. Бундай ҳолда пенсия қонунчилиги пенсияни 50%га қисқартиришни назарда тутмайди.

¹МВ, ИИБ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, МХХ ва ДБКнинг АВ томонидан 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Телефон орқали саволларга «APRIORI LIBERUM» АК адвокати Мария ТУХТАРОВА жавоб берди.

БАХТСИЗ ҲОДИСА

УНГА САБАБ БЎЛГАН НОЖЎЯ ХАТТИ-ҲАРАКАТНИ АНИҚЛАШ САНАСИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

2011 йил 6 июнда жабрланган ходимнинг бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги аризаси келиб тушди. Н-1 шаклидаги далолатнома 2011 йил 15 июнда тузилган ва 16 июнда тасдиқланган. Айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида билдирги 2011 йил 5 июлда берилган. Техника хавфсизлиги бўлими билан кадрлар бўлими ўртасида интизомий жавобгарликка тортиш учун ножўя хатти-ҳаракат аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддатни ҳисоблаб чиқариш хусусида низо юзага келди. Техника хавфсизлиги бўлими мазкур муддатни ҳисоблаш Н-1 шаклидаги далолатнома тузилган пайдан бошланади деб, кадрлар бўлими эса жабрланувчининг аризаси берилган пайдан бошланади деб ҳисоблайди. Ким ҳақли?

Д.Мустафоев, кадрлар бўлими бошлиғи.

– Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК) 182-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб узоғи билан 1 ой ичида қўлланилади. Ножўя хатти-ҳаракатни аниқлаш пайти бўлиб нима ҳисобланиши тўғрисида савол туғилади. Бу хусусда турли фикрлар мавжуд.

Фикримизча, бир ойлик муддатни ҳисоблаш учун ножўя хатти-ҳаракатни аниқлаш пайти бўлиб қуйидагилар асосида бахтсиз ҳодиса далили белгиланган пайтани ҳисоблаш керак:

иш берувчи корхона тиббий-санитария қисми (поликлиникаси)-

нинг ёрдам сўраб мурожаат қилган ходим билан юз берган бахтсиз ҳодиса тўғрисида хабарномаси (ВМнинг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низом II бўлимининг 2-банди);

бахтсиз ҳодиса юз берган бўлим раҳбари ёки техника хавфсизлигига риоя қилишни таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун жавоб берадиган бошқа тузилмалар раҳбарларининг корхона директори номига билдиргиси;

Н-1 шаклидаги далолатнома (юқорида кўрсатилган 286-сон


Низом II бўлими 3-бандининг бешинчи хатбошиси).

Мазкур ҳолда, юқорида саналган барча ҳужжатларда Н-1 шаклидаги далолатнома тилга олинганлигини ҳисобга олиб, аниқлаш пайти бўлиб мазкур далолатномани директор имзолаган сана ҳисобланади.

Ходимнинг аризаси, фикримизча, ножўя хатти-ҳаракатни аниқлаш пайти ҳисобланиши мумкин эмас, балки бахтсиз ҳодиса далилини текшириш ва уни белгилаш учун сабаб ҳисобланади.

Телефон орқали саволга «Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА жавоб берди.

ЕР – БИЗНИКИ, ҚУРИЛИШ – СИЗНИКИ, ОБЪЕКТНИ ИККИГА БЎЛАМИЗМИ?



Туман ҳоқими юридик шахсга ижодий боғ учун ер участкаси ажратди. Юридик шахс мазкур ер участкасида тижорат йўналишида дам олиш зонасини барпо этмоқчи. Бироқ ушбу юридик шахсда ана шу объект қурилиши учун ҳозирча молиявий имкониятлар мавжуд эмас. Шу муносабат билан қуйидаги саволларга жавоб берсангиз.

Корхона раҳбари.

1. Юридик шахс ушбу ердан тижорат мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эгами? Розилик (рухсат) олиш учун ҳокимликка қандай мурожаат қилиш керак?

– Йўқ, эга эмас, чунки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ер участкасидан мақсадли фойдаланиш принципи мустаҳкамланган. Ер кодексига кўра, ер участкасидан фойдаланиш у берилган мақсадга қатъий мувофиқликда таъминланиши керак. Мақсадга мувофиқ фойдаланмаганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК) 65-моддасининг биринчи қисми бўйича жавобгарлик назарда тутилган. Бундан ташқари, мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик Ер кодекси 36-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига мувофиқ ер участкасини олиб қўйиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун асос ҳисобланади. Шу сабабли агар фойдаланувчи ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартиришни хоҳласа, у ер участкасини берган органга фойдаланиш мақсадини ўзгартириш илтимоси ва асосланмаси билан мурожаат қилиши лозим. Туман ҳокимлиги ижобий қарор чиқарган тақдирда ер участкасидан туман ҳокимининг янги қароридан назарда тутилган бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлади.

2. Жисмоний шахс юридик шахсга ажратилган ер участкасида ўзининг маблағлари ҳисобига қурилиш олиб бориш ҳуқуқига эгами ва қўйилган маблағлар (курувчиларнинг хизматларини ҳисобга олган ҳолда) қандай тарзда юридик шахснинг харажатларида акс эттирилиши мумкин? Ер фирмдан қандай берилади?

– Йўқ, жисмоний шахс бундай ҳуқуққа эга эмас, чунки ер участкаси юридик шахсга берилган. Қонун ҳужжатларида қурилишда улушбай иштирок этиш масаласи аниқ тартибга солинмаган. Фақат Шаҳарсозлик кодекси 53-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилишича, юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфраструктураларнинг қўшимча объектларини қуришда улушбай иштирок этиш (якка тартибдаги уйларни қурувчилар бундан мустасно) шарт билан берилиши мумкин.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бир юридик ёки жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга бериш имконияти ҳам назарда тутилмаган. Бундан ташқари, МЖТКнинг 60-моддасига кўра, табиатдан фойдаланиш ҳуқуқини, шу жумладан, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади ва жавобгарликка олиб келади. Шунингдек юридик шахснинг бухгалтерия ҳисобида бошқа шахснинг харажатларини акс эттиришга йўл қўйилмайди.

Мазкур вазиятда юридик шахс билан жисмоний шахс

ўртасида қарз шартномасини расмийлаштириш ва кўрсатилган пул маблағларидан объект қурилишида фойдаланиш тўғри бўлар эди.

3. Юридик шахс жисмоний шахс билан ҳамкорлик шартномасини тузиш ҳуқуқига эгами, бунда юридик шахс ер беради, жисмоний шахс эса янги қўшма фирманинг устав капиталига бундан кейинги қўйилма ҳисобига объект қуради? Бунда участкага кадастр ҳужжатлари кимнинг номига расмийлаштирилади, бино кимнинг балансида қайд этилади? Қурилишни юридик шахснинг бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олмаслик (акс эттирмаслик) мумкинми?

– Саволдан кўриниб турибдики, охир-оқибатда ҳамкорлик янги фирманинг устав капиталига қўшма қўйилма билан йўлга қўйилади. Ер участкаси мавжуд юридик шахсга ажратилганлиги боис, унинг муассислари сонини қурилишни молиялаштиришни хоҳлайдиган шахслар ҳисобига кўпайтириш мақсадга мувофиқдир, бироқ ер участкаси берилган юридик шахс ҳўжалик жамияти ёки ширкат (масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти ва ҳоказо) ҳисобланиши шарт. Бу йўл масалаларни ҳал қилишда қийинчиликларни бартараф этиш имконини беради – барпо этилган иморатнинг бухгалтерия ҳисоби, уни кадастр рўйхатига олишда муаммолар бўлмайди.

Барпо этилган иморат одатда ер участкаси берилган шахсга, қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома ва ҳоким қарори асосида расмийлаштирилади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, бухгалтерия ҳисобини юритиш юридик шахснинг мажбуриятидир, у барча харажатлар, шу жумладан қурилиш харажатлари ҳисобини юритиши керак.

4. Ерга эга бўлган фирма туман ҳокимлигига батафсил тавсифланмаган дам олиш зонаси қурилишига рухсат бериш илтимоси билан (қурилиш лойиҳаси илова қилинади) мурожаат қилиши мумкинми?

– Ҳар қандай қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан амалга оширилиши керак. Ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари, қуриш лойиҳалари ва қоидалари билан белгиланади (Шаҳарсозлик кодекси 53-моддасининг биринчи қисми). Кўрсатилган Кодекснинг 39-моддасига мувофиқ қурувчида объект қурилишига белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўлиши керак, чунки белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжатлар объектлар қурилишига рухсатнома бериш учун асос ҳисобланади.

Телефон орқали саволларга экспертимиш Улуғбек АЮПОВ жавоб берди.



Бизнинг ташкилотимизда пенсионер қисқартиришга тушиб қолди. Меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин у бизга маҳаллий меҳнат органи унга учинчи ой учун ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқини берадиган маълумотномани тақдим этди. Унга буни тўлаш мумкинми, ахир у пенсионер бўлса?

Навоий вилоят

Курувчилар касаба уюшмаси кенгаши.

ШТАТНИ ҚИСҚАРТИРИШ: ПЕНСИОНЕРГА КАФОЛАТЛАР

– Ҳа, мумкин. Агар ходим меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин 10 календарь кун мобайнида туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказида (бундан кейин – Марказ) иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, у Марказ берган маълумотномага кўра олдинги иш жойидан учинчи ой учун ҳам ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади (Меҳнат кодекси 67-моддасининг учинчи қисми, бундан кейин – МК).

Сизнинг ҳолатингизда ходим барча шартларни бажарган ва Марказдан маълумотнома олиб келган. Сиз учинчи ой учун белгиланган тартибда унга тегишли бўлган ўртача иш ҳақини тўлашингиз керак.

Ходимнинг пенсионер ҳисобланиши унинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатларни олишини чекламайди.

Мазкур кафолат меҳнат шартномаси МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди бўйича бекор қилинганда, яъни, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсияси олиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб ходим пенсия ёшига тўлган тақдирда қўлланмайди.

ИШДАН БЎШАТИШДА КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ФИКРИ



Агар бу жамоа шартномасида назарда тутилмаган бўлса, иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга касаба уюшмаси кўмитасининг олдиндан розилигини олиш керакми?

«Алоқабанк» ОАТБнинг юридик хизмати.



– Ҳаммаси Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ўртасида тузилган тармоқ битимига боғлиқ.

Агар тармоқ битими иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга касаба уюшмаси кўмитаси ёки бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олинишини назарда тутса, у жамоа шартномасида қайд этилганлиги ёки этилмаганлигидан қатъи назар, бундай розилик олиниши керак (МК 101-моддасининг биринчи қисми, Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Меҳнат шартномаси бекор қилинишини тартибга солидиган қонун ҳужжатларининг судлар томонидан қўлланиши тўғрисида» 12-сон қарори 21-банди).

Шу сабабли сиз тармоқ битимининг шартлари билан танишиб, тегишли чоралар кўришингиз лозим.

Телефон орқали саволларга «Норма» МЧЖнинг юридик мавзудаги эксперт-таҳлилий материалларни тайёрлаш бўлими катта эксперти Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ жавоб берди.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга

телефон орқали жавоб берамиз.

Соат 10.00 дан 12.00 гача

200-00-59

уяли телефондан +99871

стационар телефондан 8371

Хизматлар бепул



ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

? Биз 4-қаватда яшаймиз. Иссиқ сув ва иситишнинг доимий бўлмаслиги туфайли 2003 йилдаёқ «Иссиқлик манбаи» (иссиқ сув етказувчи) хизматларидан воз кечиб, ХУМШга воз кечиш тўғрисида ариза ёздик. Ушбу аризага ХУМШ ходими қабул қилинганлиги тўғрисида резолюция ва муҳр қўйди. 2011 йил 9 августда «Иссиқлик манбаи»дан хат келди, конвертга суднинг 2011 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарори нусхаси солинган эди. Унда мен даъвогар – «Иссиқлик манбаи» фойдасига қарзни тўлашим кераклиги айтилганди.

Суд менинг иштирокимсиз ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақлими? Бизларга судга боришимиз кераклиги тўғрисида билдирувчи келмаган.

Суд ўз ҳал қилув қарорининг нусхасини мустақил равишда юбориши шарт эдими? Агар суд мени ўзининг ҳал қилув қароридан хабардор қилмаган бўлса, қандай қилиб 27 июлдаги суднинг ҳал қилув қарорига қарши чиқа оламан? Даъвогардан ҳал қилув қарорининг нусхаси солинган хатни 9 августда олдим, яъни ҳал қилув қарори устидан 10 кун ичида шикоят қилиш муддати ўтиб кетган.

Ҳужжатлар пакетига даъвогар солиштирма далолатнома нусхасини ҳам тақдим этган. Бироқ ушбу солиштирма далолатномани на мен, на даъвогар имзолаган. Қандай қилиб суд ҳеч ким имзоламаган ана шу далолатнома асосида ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин?

Т.Суконкина.

– Хатга илова қилинган ҳужжатлардан кўриниб турибдики, суднинг ҳал қилув қарори эмас, балки суд буйруғи чиқарилган. Фуқаролик процессуал кодекси (бундан кейин – ФПК) 238-1-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар

бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир. Суд буйруғи чиқариладиган талабларга ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган талаб ҳам, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилин-

ган бўлса (ФПК 238-2-моддасининг 2-банди), тааллуқлидир. Агар ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд деб ҳисобланса, судья аризани қабул қилишни рад этиши керак (ФПК 238-5-моддасининг 4-банди).

Олий суд Пленумининг «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» қарорининг (2006 йил 3 февралдаги 4-сон) 10-бандига биноан судья фақатгина талаблар ҳужжат асосида тасдиқланган ҳамда талаб юзасидан қарздор томонидан эътироз билдирилмаган тақдирда суд буйруғи чиқариши мумкин. Агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинган бўлса, унга қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми,

аниқ яшаш манзили, қарз миқдори кўрсатилган, қарздор ва коммунал хизмат кўрсатиш муассасасининг ваколатли ходими томонидан имзоланган, коммунал хизмат кўрсатиш муассасасининг муҳри билан тасдиқланган маълумотнома (ёки солиштирма – далолатнома) илова қилиниши шарт. Қарзни ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза ҳам албатта коммунал хизмат кўрсатиш муассасаси раҳбари томонидан имзоланиши лозим.

Бироқ сизнинг ҳолатингизда тарафларнинг бирортаси бундай маълумотномани имзоламаган. Шу муносабат билан суд ФПК 238-5-моддасининг 3-бандига асосан аризани қабул қилишдан бош тортиши керак эди.

ФПКнинг 238-9-моддасига кўра



суд буйруғи чиқарилганидан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборади. Хатингиздан келиб чиқишича, судья буйруқнинг нусхасини сизга юбормаган, бунинг оқибатида сизни унга қарши эътироз билдириш ҳуқуқидан маҳрум қилган. Буйруқнинг нусхасини сиз судьядан эмас, балки аризачидан олгансиз. Суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида қарздор арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли. Белгиланган 10 кунлик муддатни суд узрли деб топган сабабларга кўра ўтказиб юборган шахсларга ўтказиб юборилган муддат уларнинг аризасига кўра тикланиши мумкин. Бунинг учун сиз ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома тузишингиз ва ушбу буйруқни чиқарган суднинг ўзига арз қилинган талабларга қарши эътироз тақдим этишингиз лозим. Муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимосномани қондириш рад этилганлиги тўғрисидаги ажримга ФПКнинг 130-моддасига мувофиқ хусусий шикоят берилиши мумкин.

Агар суд муддатларни тиклаша ва эътирозни қабул қилса, судья суд буйруғини бекор қилиши шарт, бу ҳақда ажрим чиқарилади ва 3 кун мобайнида тарафларга юборилади.

Мария ТУХТАРОВА,
«APRIORI LIBERUM» АК
адвокати.

? Хусусий корхонанинг чорак учун молия-хўжалик фаолияти яқунларига кўра мен соф фойдани олишга қарор қилдим. Пул маблағларини олиш учун банкка мурожаат қилганимда, менга дивидендлардан солиқни тўламаслик учун хусусий корхона кичик бизнес субъекти ҳисобланиши тўғрисида статистика органларидан тасдиқнома олиб келишим кераклигини айтишди. Мен шаҳар статистика бошқармасига уни беришларини илтимос қилиб мурожаат этдим. Менга хусусий корхонам кичик тадбиркорлик субъекти сифатида Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида статистик ҳисобда турганлиги қайд этилган хат беришди. Бироқ статистика органлари фақат статистик ҳисобни ташкил қилиш ва йиғма статистик ҳисоботни шакллантириш учун статистик мақсадларда юридик шахсни хўжалик юритувчи субъектларнинг мазкур тоифасига киритадилар, мазкур хат эса солиққа оид ва бошқа имтиёзларни олиш мақсадида учинчи шахсларга тақдим этиш учун мўлжалланмаган ва менинг ташкилотим кичик тадбиркорлик субъектларига мансублигини тасдиқлайдиган рухсат берувчи ҳужжат ҳисобланмайди. Эндиликда статистика органлари бундай хатларни Давстатқўмнинг янги ички фармойишига кўра бераётганликларини оғзаки тарзда тушунтирдилар. Банкда мазкур маълумотномани қабул қилишмади. Бу қонунийми? Мен хусусий корхона мулкдори сифатида солиқ солишдан озод бўлиш учун хусусий корхонам кичик бизнесга тааллуқли эканлигини тасдиқлашим керакми? Агар шундай бўлса, ушбу тасдиқномани олиш учун қаерга мурожаат қилишим лозим?

Хусусий корхона мулкдори.

– Сиз бундай тасдиқномани олишингиз керак эмас.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг (2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон) 24-моддасига мувофиқ хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Мазкур имтиёз Солиқ кодекси 179-моддасининг 6-бандида ҳам назарда тутилган. Шу тариқа, хусусий корхоналар мулкдорларига имтиёз қонунлар билан белгиланган ва бирор-бир органнинг тасдиғини талаб қилмайди.

Эҳтимол, банкда «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун ва Солиқ кодекси томонидан хусусий корхоналарнинг мулкдорларига

берилган имтиёзни Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарори (2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон,



ҚОНУНИЙ ИМТИЁЗ

бундан кейин – ПҚ-1024-сон қарор) 5-банди билан белгиланган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга мансуб юридик шахсларнинг муассисларига берилган ўхшаш имтиёз билан чалкаштирилган бўлсалар керак. Қарорга кўра, жисмоний шахсларнинг улар таъсис этган микрофирмалар ва кичик корхоналардан оладиган дивиденд тарзидаги даромадлари солиқ солишдан озод қилинган. Мазкур имтиёз муддатли тусга эга (2014 йилгача амал қилади) ва ундан, масалан, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятларнинг муассислари фойдалана оладилар.

Бироқ, ПҚ-1024-сон қарорнинг 5-банди мулкдорларига, юқорида қайд этилганидек, «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун ва Солиқ кодекси билан имтиёз белгиланган хусусий корхоналарга тааллуқли эмас. Бу имтиёз муддатсиз тусга эга ва хусусий корхона кичик бизнес субъектлари сирасига кириши ёки кирмаслигидан қатъи назар қўлланади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (2000 йил

25 майдаги 69-II-сон) 5-моддасининг тўртинчи қисмига биноан кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар улар томонидан ваколатли ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат статистика органлари, банклар ва бошқаларга) имтиёзлар хусусиятидан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳақида хабарнома тақдим этган ҳолда қилинган мурожаатлар асосида берилади.

Шу тариқа, муассисларнинг, масалан, МЧЖдаги дивидендларини солиқ солишдан озод қилиш учун юридик шахснинг кичик бизнес субъектларига киришини тасдиқлаш лозим. Хусусий корхона мулкдори эса корхона мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин унда қолган фойдадан солиқ тўламасликка ҳақли ва бунда корхона кичик бизнес субъектларига кириши тасдиғини тақдим этишга мажбур эмас. Бунда Президентнинг ПҚ-1024-сон қарори 5-бандининг амал қилиши татбиқ этиладиган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга мансуб юридик шахсларга, улар ўз муассисларига тўлайдиган дивидендлар солиқ солишдан озод қилиниши борасида банклар билан муаммоларга дуч келмаслиги учун, фикримизча, ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ инспекцияларига айтилган солиқ имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ва банкларга солиқ органлари томонидан берилган маълумотномани тақдим этиш лозим.

Артём МОКШИН,
«Норма» МЧЖ эксперт юридик
хизматининг бошлиғи.

ИМТИЁЗ ЙЎҚ, БИРОҚ СТАЖГА КИРИТИЛАДИ

? Рафиқам шу йилнинг 10 ноябрида 50 ёшга тўлади. Унинг умумий меҳнат стажи 32 йилни ташкил қилади. Биз икки болани фарзанд қилиб олганмиз. Ўғлимиз 2004 йилдан бери кўриш бўйича II гуруҳ ногирони. Эшитишимча, ногирон болаларнинг ота-оналари учун ёшни 5 йилга камайтирган ҳолда имтиёзли пенсияга чиқиш назарда тутилган экан. Рафиқам 50 ёшдан пенсияга чиқа оладими?

Н.Йўлдошев.

– Чиқа олмайди, чунки имтиёзли пенсия туғма ногирон болаларнинг ота-оналарига берилади. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон, бундан кейин – Қонун) 12-моддасининг «з» бандига биноан белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия **болалиқдан ногирон фарзандларнинг** оналари уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлса – иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда берилади.

Бироқ болага қараш вақти рафи-

қангиз меҳнат стажига ҳисобланади, чунки Қонун 37-моддасининг «д» бандига мувофиқ 16 ёшгача бўлган ногирон болага қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг¹ (бундан кейин – Низом) 36-бандига мувофиқ агар болага қараш даври бир вақтнинг ўзида меҳнат стажи даврига тўғри келса, у ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахсининг хоҳишига кўра фақат бир давр қўшиб ҳисобланади.

МИСОЛ. Аёл ногирон болани 10 йил мобайнида парвариш қилди. Бу вақтда у жами 4 йил танаффус қилган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга оширди. Пенсия тайинлаш учун стажни ҳисоблаб чиқаришда парвариш қилиш даври ва меҳнат фаолияти даври қўшилмайди. Бунда аёл ушбу даврнинг қайси бирини – болани парвариш қилишнинг 4 йиллик вақти ёки 4 йил ишлаш даврини танлашга ҳақли. Агар бола ўртача ойлик иш ҳақининг ҳисоб-китоби учун танлаган даврда парвариш қилинган бўлса, албатта 4 йил ишлаш даврини танлаш керак, чунки ана шу йилларда аёл даромад олган. Агар болани парвариш қилиш даври юқорида кўрсатилган даврга мувофиқ келмаса, болани парвариш қилишнинг 4 йилини олган маъқул, шунда ишлаганини тасдиқлайдиган маълумотнома ва ҳужжатларни йиғиш керак бўлмайди.

¹ВМнинг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига 1-илова.

АГАР БОЛА НОГИРОН БЎЛСА

? Қонун ҳужжатларида ногирон болани парвариш қиладиган шахсларга пенсияга доир имтиёзлар назарда тутилганми?

Д.Сотникова.

– Қонун 12-моддасининг «з» бандига биноан болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлса – иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эгалар. Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади.

Бола 16 ёшга тўлган даврда ногирон бўлиб қол-

ганда уларнинг оналари I гуруҳ ногирони ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага қараган даврларини меҳнат стажига ҳисоблаш ҳуқуқига эгалар.

Шу тариқа, болалиқдан ногиронларнинг (яъни инвалид бўлиб туғилган болаларнинг) оналари умум-белгиланган пенсия ёшларини 5 йилга камайтирган ҳолда имтиёзли пенсия олишга ҳақилар, ногиронлиги 16 ёшгача бошланган болаларнинг оналари эса болани парвариш қилиш вақтини стажга киритиш ҳуқуқига эгалар.

ОНАНИНГ ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ ЁШИ

? Шу йилнинг октябрида мен 50 ёшга тўлдим. Ҳозирги вақтда ҳеч қаерда ишламаяпман. Болалиқдан ногирон болани 16 ёшга тўлгунгача тарбия қилганман. Ёшимни 5 йилга камайтирган ҳолда имтиёзли пенсия тайинлашларини сўраб, Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилганимда бунинг учун болани парвариш қилиш вақтини ҳисобга олмаган ҳолда 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлишим кераклигини айтишди. Бўлим ходимлари ҳақлими?

Газетхон.

– Йўқ, ноҳақлар. Низомнинг 38-бандига биноан ногиронни 8 ёшгача тарбия қилган болалиқдан ногироннинг онасига пенсия тайинлашда талаб қилинадиган 20 йиллик иш стажига 16 ёшгача ногирон болага қараб туриш вақти қўшиб ҳисобланади.

Бунда 16 ёшгача ногирон болага қараб туриш вақти пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига фақат қараб турган ва қараб туришга муҳтож бўлган шахс билан бирга яшаган шахслардан бирига қўшиб ҳисобланади.

Имтиёзли пенсияга доир ҳуқуқни тасдиқлаш учун сиз 8 ёшгача ногирон болага қараб турган вақтин-гизни тасдиқлайдиган маълумот-

номани тақдим этишингиз лозим, уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи беради. Маълумотномадан ташқари, тиббий-маслаҳат комиссияси (ВКК) берган, бола 8 ёшгача ногирон деб эътироф этилганлигини тасдиқлайдиган тиббий хулосани ёки унинг касаллик бўйича даволаш-профилактика муассасасида ҳисобда турганлиги тўғрисидаги ВКК берган, ногиронлиқни белгилаш учун асос бўлиб ҳисобланадиган маълумотномани илова қилиш лозим (Низомнинг 12-банди).

Талаб қилинаётган стажга болага қараш вақтини киритиш учун куйидагилар тақдим этилади (Низомнинг 65-банди):



қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириб чиқиш далолатномаси;

16 ёшгача ногирон бўлганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириб чиқиш далолатномасини Пенсия жамғармаси бўлими фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан ва қараб турилган шахслар, шунингдек уларнинг қўшилари орасида сўров ўтказишдан олинган маълумотлар асосида тузади.



Келиним давлат тиббий коллежида 2006 йилнинг 10 сентябридан 31 декабригача 4 ой ишлаган (сотбай тарзда). 2007 йил 2 январдан у коллеж штатига доимий асосда ишга қабул қилинган. 2008 йил 1 январдан эса декрет таътилига чиққан. 2 йилу 3 ойдан кейин у иккинчи декретга чиқиш учун касаллик варақасини тақдим этган. Биринчи марта декретга чиқишда у 750 000 сўм олган эди, иккинчи марта унга чиқишида бор-йўғи 350 000 сўм олди, ҳолбуки декретга иккинчи марта чиқаётганида штат жадвали бўйича унинг маоши 439 000 сўмни ташкил қилган. Келиним нафақани қандай ҳисоблаб ёзганларини тушунтириб беришларини сўраганда, унга бундан аввалги касаллик варақасини ҳам қайта ҳисоблашлари мумкинлигини, шунда ортиқча тўловни қайтариб беришига тўғри келишини шама қилишди. Куйидаги саволларга жавоб берсангиз.

1. Агар аёл бор-йўғи бир неча ой ишлаган бўлса, иш берувчи декрет таътилини бериш ва унга пул тўлашдан бош тортишга ҳақли бўладими?

2. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси қандай ҳисоблаб чиқарилади?

3. Ходима на биринчи, на иккинчи боласига болани парварилаш нафақасини олган. Унинг ҳуқуқлари бузилганми?

Бухгалтер.

ҲОМИЛАДОРЛИК ВАҚТИ УЧУН НАФАҚА

– 1. Йўқ, иш берувчи бундай ҳуқуққа эга эмас. Меҳнат кодекси (МК) ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда болани парварилаш бўйича таътил бериш учун мажбурий стажни назарда тутмайди (МКнинг 233 ва 234-моддалари).

2. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг¹ 49-бандига биноан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олиннадиган ҳақиқий иш ҳақи ва жойидан, суғурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради. Бунда нафақаларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олиннадиган барча турдаги иш ҳақи, шу жумладан ҳисобга олиннадиган ойдаги иш ҳақи билан бирга тўланадиган ойлик мукофотлар ҳақиқатда олинган вақт бўйича эмас, балки ҳисоблаб ёзилган вақт бўйича иш ҳақи киритилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори ҳисобга олиннадиган ойдаги иш ҳақи ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланишидан аввалги 12 ой ичида олинган барча мукофотларнинг 1/12 қисмини қўшиш йўли билан аниқланади.

Мукофотлар суммаси бўлинадиган ойлар ичидан **ходим ҳомиладорлик ва туғиш таътили, бола 3 ёшга тўлгунга қадар уни парварилаш таътили оқибатида тўлиқ ишламаган ойлар чиқариб ташланади.** Агар ҳисоблаш учун 3 ойдан кам бўлган давр олинса, ҳар бир ойда чораклик мукофотнинг кўпи билан 1/3 қисми ҳисобга олинади.

Агар ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида иш ҳақида ўзгаришлар юз берган бўлса (масалан, штат жадвали бўйича маош ўзгарса), нафақанинг миқдори ҳам ушбу даврдан бошлаб, тегишинча, қайта ҳисобланади. Агар нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақига қўшимча ҳақ тўланса, нафақа ҳам, тегишинча, кўпаяди.

3. Ходимнинг ҳуқуқлари бузилмаган, чунки Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарори² 21-бандига мувофиқ 2008 йил 1 январдан бошлаб бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши бўйича нафақалар **бюджет соҳасида** ишлаётган оналарга **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали** тайинланади ва тўланади. Нафақат тайинлаш ва тўлаш Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (МАИМКВ, МВ, «Маҳалла» РЖ ва МБнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) мувофиқ **ходимнинг яшаш жойидаги** ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

¹Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

²«Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида».

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

САР ва СІРА сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга тақлиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.

ЭЪЛОНЛАР

«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

ХИЗМАТЛАР

Тез ва сифатли. Лазерли принтерлар ва ксероксларни жойига чиқиш билан таъмирлаш ва тўлдириш. Тел. 370-15-12.

Принтерлар ва ксероксларни юқори малакали таъмирлаш ва тўлдириш. Тел. 157-31-19.

Сервис маркази. Epson, HP, Canon рангли струяли принтерларни таъмир-

ЭЪЛОНЛАР

лаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.


Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун хужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.

Курилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

*Хизматлар лицензияланган.



ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

TOP

237-51-33
237-47-20
237-47-05

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 1 ноябрдаги ажримларига асосан Олмазор туманидаги соддалаштирилган таомилда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"АКРА-ЕЛИТ"	10-1114/19028
"Nigoriston" ХФ	10-1114/19029
"AT-QURILISHSERVIS"	10-1114/19030
"PACIFIC BIZNES" ХК	10-1114/19027

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Олмазор туман ДСИ ходими Х.Хаётов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2011 йил 8 ноябрь соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Олмазор туман ДСИ биносининг 401-хонасида ўтказилади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2011 йил 16 ноябрь соат 10.00 да Олмазор туман ДСИ биносининг 4-қаватидаги 415-хонада бўлади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 21 октябрдаги 10-1100/17402-сонли ажримига асосан Юнусобод туманидаги "ABSOLUTE-EXPRESS" МЧЖга нисбатан банкротликнинг кузатув таомили қўлланилган. Муваққат бошқарувчи этиб М.Рустамова тайинланган. Суд муҳокамаси Тошкент шаҳар ҳўжалик судида 2011 йил 23 ноябрда бўлиб ўтади. Ушбу корхонага нисбатан талаб ва тақлифлар Юнусобод туман ДСИ биносининг 2-қаватидаги 6-хонада қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2011 йил 14 ноябрь куни соат 15.00 да Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 6-хонада ўтказилади. Тел. 235-59-63.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 28 октябрдаги 10-1110/17344-сонли ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтохур туманидаги "GOLD BUTTER" МЧЖ ҳамда 10-1110/17345-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Qandolat Mega Servis" МЧЖ бўйича банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир ишлар бошланган. Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчилари этиб Шайхонтохур туман ДСИ ходими Д.Ишметов тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 306-хона. Тел. 241-30-86.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг қарорига асосан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган Шайхонтохур туманидаги тугатиш ишлари бошланган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР
"GRAND OZJEUN" ҚК	205208008
"TEXNO ART" ҚК	201851415
"Natural Construction Tashkent" ҚК	300359991
"SHIKKATI QARADARYO" ҚК	201589234

Мазкур корхоналарнинг таъсис хужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа хужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар даъволари эълон босилган кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., А.Темур шоҳкўчаси, 3-уй.

***Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 12 октябрдаги қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги тугатилаётган корхоналар**

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
"RUSTAM-MONTAJ-SERVIS"	205733273	10-1117/16548(21)-т
"IZZATILLA-RAXMATILLA SAVDO SER"	300424666	10-1117/16587(21)-т
"DAILY PRESS"	301492148	10-1117/16569(21)-т
"SHIFOMAN-SHIFO"	203714384	10-1117/16574(21)-т
"SAGAT PLATINUM INVEST"	300877300	10-1117/16549(21)-т
"ZARTEPA TRANS SERVIS"	301665936	10-1117/16564(21)-т
"BENEFIT FORUM"	301457324	10-1117/16589(21)-т
"SHUXRAT-FAOL"	205480305	10-1117/16586(21)-т
"DIAMOND MEDIA"	300537604	10-1117/16552(21)-т
"SHTOPOR BIZNES"	301422312	10-1117/16550(21)-т
"IPAK YO'LI SAVDO SERVIS"	301362253	10-1117/16565(21)-т
"TIKRUS PLUS"	205286560	10-1117/16553(21)-т
"LIKOTAN PLUS"	301338179	10-1117/16557(21)-т
"ITM" МЧЖ	300986284	10-1117/16566(21)-т
"FESH PROGRESS"	301150501	10-1117/16551(21)-т
"ARS-PREMIUM"	301395118	10-1117/16573(21)-т
"TOJMAXAL SAVDO PLUS"	301351100	10-1117/16554(21)-т
"MIRKANS TRAVEL"	300453235	10-1117/16545(21)-т
"SESL-VINE"	205660943	10-1117/16555(21)-т
"FAUS-TAKSI"	207076243	10-1117/16567(21)-т
"NANO TOYS TASHKENT"	301241886	10-1117/16561(21)-т
"GEO-VISTA"	300525445	10-1117/16562(21)-т
"ASTERUS"	204474264	10-1117/16581(21)-т
"DJEIXUN-RUST"	202400223	10-1117/16580(21)-т
"URGUT-SAVDO BARAKA"	301068174	10-1117/16544(21)-т
"QORASUV BIZNES ESKLYUZIV"	301539964	10-1117/16578(21)-т
"OKTAVIAN SERVIS"	300072694	10-1117/16583(21)-т
"PARADOX-NEO"	204589263	10-1117/16575(21)-т
"FERRUM TRADE COMPLECT"	301455896	10-1117/16547(21)-т
"MUROD SEVINCH BIZNES"	301404175	10-1117/16577(21)-т
"ALEYA FORM" ШК	301593228	10-1117/16591(21)-т
"TAMILLA-NAFIS"	204932138	10-1117/16572(21)-т
"DIKSI-SERVIS"	202587584	10-1117/16582(21)-т
"DILMUROD-JAMSHID PLUS"	301609853	10-1117/16584(21)-т
"BAXTIYOR-ELYOR"	205200042	10-1117/16590(21)-т
"BUSSOL STROY"	301213628	10-1117/16558(21)-т
"XALIL-TEGIRMONCHI"	300691233	10-1117/16585(21)-т
"PERFECT GOLD"	301539940	10-1117/16588(21)-т
"MANDARIN"	205815961	10-1117/16568(21)-т
"RASHID AND VASI GROUP"	300927790	10-1117/16560(21)-т
"SMART FINANCE"	300693744	10-1117/16559(21)-т
"AIR-MEGA SERVIS"	300014163	10-1117/16570(21)-т
"SMART STYLE"	301460890	10-1117/16556(21)-т
"ZERO-GRAVITY"	300877404	10-1117/16563(21)-т
"FERRU PROGRESS MAHLIYO"	300231599	10-1117/16542(21)-т

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхона рўйхатдан ўтган таъсис хужжатлари ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 122-уй манзилгоҳи бўйича Олти ой ва ундан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Иқтисодий-ҳўжалик газети

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ХУЎЖ, СОЛИҚЛАР, БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57

E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмайдими.
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Norma маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўйиштириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 1300 Адади 3875. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2011 йил 4 ноябрда соат 20.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223